



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING
QARORI

Uzuntumani, O'zbekiston ko'chasi 7-uy. 191100, tel.: (+99876)44-73-545, uzun.t@exat.uz

21 2026 -yil yanvar

Қ-52 -son

Uzun sh.

Тумanning “Боботоғ” СИУ массивидаги туман захира ер фондида фуқаро Султанов Абдусаттар Назаровичга чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун 102,9 гектар ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 23-моддаларига асосан, туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 04 августдаги 167-сонли йиғилиш баёни ҳамда фуқаро А.Султановнинг аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. “Боботоғ” СИУ массивида чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этиш учун ўтказилган танлов натижаси бўйича туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 04 августдаги 167-сонли йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Танлов ғолиби Султанов Абдусаттар Назаровичга фермер хўжалиги ташкил этиб, фаолият кўрсатиши учун “Боботоғ” СИУ массиви ер харитасининг 704, 706, 707, 708, 709, 710-дала контурларидан жами 102,9 гектар, шундан 20,1 гектар лалми ҳайдаладиган ер, 81,6 гектар яйлов ва 1,2 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари 31 (ўттиз бир) йил муддатга ижарага берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Н.Қоракулов)га янги ташкил этилаётган фермер хўжалигига ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини расмийлаштириш ва туман ер ҳисоботига ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги бошлиғи (А.Султанов)га 10 кун муддат ичида туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика

бўлими ва Давлат хизматлари маркази Узун туман бўлиmidан рўйхатдан ўтиш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш топширилсин.

5. Мазкур қарор нусхаси туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази туман бўлимига маълумот учун юборилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Н.Мажидов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



В.Турсунов